



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Усмонов Ахроржон¹, Мўйдинов Дониёржон², Юсупов Жўрабек³

^{1,2} Фарғона давлат университети ўқитувчилари

³ 1-курс магистранти

1946-1991 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ТИЗИМИ

Аннотация: Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий-моддий аҳволини 1946-1991 йилларда яъни иккинчи жаҳон урушидан кейинги ва совет даврининг тугашигача бўлган даврни ўз ичига олади, чунки бу давр ичида совет давридаги ижтимоий таъминотига доир асосий қонунлар қабул қилинган. Бироқ, ижтимоий таъминоти соҳасидаги ўзгаришлар китобларда батафсил ёритилмаган. Ижтимоий соҳани тавсифлашда муаллифлар иш ҳақи (ўртача ва минимал), уй-жой ва таълимдаги ўзгаришларга кўпроқ эътибор берилган.

Калит сўзлар: ногиронлар, пенционерлар, меҳнат қобилиятини йўқотганлар, касаба уюшмаси, кўп болали оилалар, суғурта, имконияти чекланганлар, вақтинча иш қобилиятини йўқотганлар.

Аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш учун маблағлар кўпайиб борди, йилдан-йилга ижтимоий суғурта фондлари кўпая борди, улар аҳолининг моддий-маиший яхшилашда муҳим омиллардан бири бўлиб қолди. Ўзбекистон ССРда суғурта қилинганлар сони 1930 йилда 172,4 бўлган бўлса, 1932 йилда 384,2 мингга етди, суғурта фонди эса шу йилларда 41,2 миллион сўмдан 75,4 миллион сўмга кўпайди.

Иш қобилиятидан вақтинча ва маҳрум бўлганларга суғурта фонди ҳисобидан нафақа бериб турилди, инвалид ва қариялар пенсия билан таъминланди. 1932 йилнинг ўзида

иш қобилиятини вақтинча йўқотганларга 128 70,8 сўм пул тўланди. Ишчиларни қўшимча таъминлаш чиқимлари 1930 йилда 1265,8 бўлган бўлса 1932 йилда 1676,1 сўмга етди. Бунда соғлиқни сақлаш, мактабгача тарбия, болаларни ўқитиш, мактаб болаларини овқатлантириш ва шу қабила учун давлат йўли билан қилинадиган чиқимларни ҳам ҳисобга олиш керак. Суғурта органлари бюджет маблағларининг каттагина қисми тиббий ва санаторий-курорт ёрдамига, дам олиш уйларига, пархез овқатлар ва шу қабилага, яъни касалликнинг олдини олиш ва соғайтириш тадбирларига, турмуш эҳтиёжларига сарфланди. Агар 1923 йилда курорт-санаторияларга бор-йўғи 693 киши юборилган бўлса, 1933 йилда 2155 нафар киши юборилди. Шу йилларда дам олиш уйларига юборилган кишиларнинг сони 5414 дан 16085 нафарга етди¹.

Шу билан бирга меҳнат ногиронларига ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан ёрдам кўрсатиш кўпайди, қарияларга ва боқувчисини йўқотган оилаларга берилган нафақалар ҳажми ошиб борди. Агар 1932 йилда 538,0 минг сўм пенсия, меҳнат ногиронларига ва кексайиб қолган кишиларга 974,3 минг сўм нафақа тўланган бўлса, 1934 йилда 4665,4 минг сўм пенсия тўланди, бундан 1192,3 минг сўми пенсионерларга, 1423,3 минг сўми меҳнат ногиронларига тўланди. Шундай қилиб, 1932 йилга нисбатан 1934 йилда фақат пенсия тарикасида тўланган маблағларнинг миқдори салкам бир ярим марта ошди².

Бу йилларда Ўзбекистон ҳудудида юзга яқин санаторий, дам олиш уйлари ишга тушди. 1936 йил биринчи январда фақат Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги тизимида 4 та курорт, катталар учун 13 та кундузги ва тунги санаторийлар ҳамда болалар учун 85 та санаторий ва пионер лагерлари ишлаб турган эди. Курорт ва санаторияларнинг кўпайиши билан иштирок этишди ижтимоий суғурта ҳисобидан курорт, дам олиш уйлари ва санаторийларга юбориладиган ишчи ва хизматчиларнинг сони ҳам ошиб борди.

Бундан ташқари Ўзбекистон касаба союзлар советининг ижтимоий суғурта бюджети йилдан-йилга кўпайиб борди. Масалан, Ўзбекистон ССР деҳқончилик органлари ходимлари касаба союзининг ижтимоий суғурта бюджети 1935 йилда 5322 минг сўм бўлган бўлса, 1936 йилда 6568013 сўмга етди. Шу касаба союзи бўйича вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлар учун тўланган маблағлар 1935 йилда 363742 сўм бўлган бўлса, 1936 йилда 675014 сўмга етди. Ишловчилар ва уларнинг оила аъзоларига берилган пенсиялар 27321 сўмдан 49854 сўмга етди. Санаторий-курортларда даволаниш учун сарф қилинган маблағлар 152600 сўмдан 215428 сўмга етди. 1925 йилда Ўрта Осиё темир йўлчилари касаба союзи йўлланмаси билан санаторий ва курортларда даволаниш учун ҳамда дам олиши учун 3593300 сўм сарф қилинган бўлса, 1937 йилда 4219 сўм сарф қилинди. Шу касаба союз йўлланмаси билан болаларни соғайтириш кампаниясига ажратилган маблағлар 515 минг сўмдан 1 миллион сўмга етди. 1935 йилда 2580 касаба союзлар ҳисобидан курорт ва санаторияларда путёвқалар олдилар. 1936 йилда эса 3724 киши, 1937 йилнинг биринчи ярмида эса 1710 нафар киши путёвка олди³.

Республикада ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи 1959-1965 йилларда 32% га, колхозчиларнинг пул ва натура даромадлари эса қарийб 33 фоизга кўпайди.

¹ Ўзбекистон тарихи. Том III. Бош муҳаррир И.М.Мўминов. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.569.

² Ўзбекистон тарихи. Том III. Бош муҳаррир И.М.Мўминов. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.647-648.

³ Ўзбекистон тарихи. Том III. Бош муҳаррир И.М.Мўминов. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.647-648.

Ижтимоий фондлар янада кўпайиб борганлиги халқ фаровонлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлиб қолди. Ижтимоий таъминот учун, жумладан текин тиббий хизмат кўрсатиш, пенсиялар ва турли нафақалар тўлаш, отпускарлар бериш ва шу кабилар учун мазкур фондлардан қилинаётган ҳаражатларнинг миқдори муттасил кўпайиб борди⁴.

Республикада шу мақсадлар учун 1959 йилда 659,6 миллион сўм, 1965 йилда 1217,5 миллион сўм сарфланди. Даромадлар ўсиб борганлиги натижасида республика аҳолисининг омонат кассаларига қўйган пуллари ҳам кескин равишда кўпайиб, 1958 йилдаги 166 миллион сўмдан 1965-йилда 330 миллион сўмга етди⁵.

1958 июлида давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги янги қонун қабул қилинди, шу қонунга биноан пенсияларнинг миқдори янада оширилди ва эндиликда иш ҳақининг 50 фоизидан 100 фоизгача бўлган миқдорини ташкил этадиган бўлиб қолди. Қарилик пенсиясини олаётган кишилар сони ҳам кўпайди, республикада тўланаётган пенсияларнинг умумий миқдори эса 2 баравардан зиёдроқ кўпайди. Ўзбекистонда 1959 йилда 428 минг киши давлат пенсияси, 1965-йилда 643 минг киши давлат пенсияси олди. 1960 йилларда Ўзбекистоннинг барча шаҳарлари ва районларида, шунингдек корхоналарнинг кўпчилигида пенсионерлар совети, шунингдек пенсия группалари ва комиссиялари тузилди. Улар пенсияга чиқадиган ишчи ва хизматчиларга уларнинг пенсия олишга тааллуқли ишларини расмийлаштиришга ва моддий-маиший шароитларини яхшилашга ёрдам берди. Шу билан бир вақтда республика колхозларида ижтимоий ўзаро ёрдам кассалари тузилди, уларга колхозчиларнинг 27 фоиздан кўпроғи аъзо бўлиб кирди. 1963 йилнинг ўзидаёқ шу кассаларнинг ҳисобларидаги пул 2 миллион сўмдан ошиб кетди.

Совет давлатида ишчи ва хизматчилар тўла равишда жамият ва давлат маблағлари ҳисобидан билан таъминланди, бунинг учун уларнинг иш ҳақидан ва колхоз аъзоларининг шахсий даромадлардан ҳеч қандай пул ушлаб қолинмади. 1964 йилда пенсия таъминоти соҳасида катта ўзгаришлар юз берди. 1964 йил 31-декабрда СССР Олий Совети Президиуми “Биринчи ва иккинчи гуруҳ инвалидлар ҳамда боқувчисидан ажралиб қолган оилалар оладиган пенсияларнинг минимал миқдорини ошириш тўғрисида” фармон қабул қилди. Еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг 4 сессиясида қабул қилинган қонун, яъни колхозчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун 1965 йил биринчи январдан бошлаб кучга кирди. Шу қонунга биноан кишлок меҳнаткашларидан 380 мингдан кўпроқ киши пенсия олиб бошлади. Шу мақсадлар учун қилинган ҳаражатлар 1965 йилнинг ўзидагина 277 миллион сўмни ташкил этди⁶. Колхозчилар учун давлат пенсиялари бериш тўғрисидаги қонун пенсия таъминотини ривожлантиришда янги босқич бўлди.

Давлатдан кафолатланган ёрдам олувчи фуқаролар сони йилдан-йилга кўпайиб борди. 1965 йилнинг ўзидагина республикада 600 минг нафарга яқин кўп болали ва ёлғиз оналар нафақа олди. Ҳамда 900 минг нафарга яқин киши турли хил пенсиялар билан таъминланди⁷.

⁴ О государственных пенсиях: Закон СССР от 14 июля 1956 // Социальное обеспечение в СССР. Сборник официальных материалов. - М.: Профиздат, 1960. - С. 7-22.

⁵ Ўзбекистон тарихи. Том IV. Бош муҳаррир И.М.Мўминов. - Тошкент: Фан, 1971. - Б.399-400.

⁶ Ўзбекистон тарихи. Том IV. Бош муҳаррир И.М.Мўминов. - Тошкент: Фан, 1971. - Б.399-400.

⁷ Ўзбекистон тарихи. Том IV. Бош муҳаррир И.М.Мўминов. - Тошкент: Фан, 1971. - Б.399-400.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасида колхозчиларнинг пенсия билан таъминлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, 1960-йиллар охирида қабул қилинган қонун колхозчиларнинг ижтимоий жиҳатдан таъминлашни тубдан ўзгартирди. Бу қонунга кўра колхозчиларга қариялик пенсияси ногиронлик ва боқувчисини йўқотган ҳолатда бериладиган пенсиялар тизими жорий қилинди. Бошқача сўзлар билан айтганда, колхозчиларга пенсия таъминоти ҳақидаги низомга мувофиқ равишда пенсия ва нафақалар турлари белгиланди.

Янги қонун 1968 йил биринчи январдан бошлаб колхозчи пенсионерларнинг ёшини камайтиришни кўзда тутди, жумладан эркакларга 65 ёшдан 60 ёшга туширилди. Аёлларга эса 5 нафар ва ундан ортиқ фарзанд дунёга келтирган ҳамда уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёлларга 55 ёшдан 50 ёшга пенсия ёши туширилди. Шундай қилиб, колхозчиларнинг пенсия ёши ишчилар ва ва хизматчиларнинг пенсия ёши даражасига туширилди.

Натижада колхозчилар дам олиш ҳуқуқига эга бўлдилар. 1966 йилда Ўзбекистонда колхозчи пенсионерлар сони 411 минг нафар бўлган бўлса, 1974 йилга келиб уларнинг сони 741 минг кишига етди. Жумладан, 1971 йилда фақат Наманган вилоятида 310 нафар колхоз аъзоларига пенсия белгиланди. Бундан ташқари 1620 нафар болали оналарга нафақалар белгиланди ва тўлаб берилди. Чуст районида 18 940 нафар пенсионер колхозчилар мавжуд бўлиб, улар ҳар ойда 420 минг рубль пенсия олишган⁸.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашган биринчи гуруҳ инвалидларига Наманган вилоятида вилоятнинг колхоз ва совхозлари ҳамда бошқа ташкилотлари оталиққа олишган. 1971 йилда уларга 785 рубль молиявий ёрдам берилган, икки нафар ногиронларга янги уйлар қуриб берилган. Шунингдек, уруш инвалидларига 12 та “Запорожец” автомашинаси, 13 та мотоколяска берилган ҳамда 97 нафар уруш инвалидлари бепул транспорт билан таъминланган⁹.

1971 йил 3 июнда Ўзбекистон ССР Олий совети президиуми “Ишчи ва хизматчилар учун қариялик пенсияси минимал размерини ошириш тўғрисида” ва “Колхозчиларнинг пенсия таъминотини яхшилаш тўғрисида” фармонлар қабул қилди. Фармонларга кўра, колхозчилар учун белгиланган барча пенсияларнинг минимал размерлари бир ярим бараварга оширилди. Умумий ҳисобда 1971 йилда 748 минг колхоз аъзолари ва совхоз ишчи ва хизматчи пенсионерларининг пенсиялари ҳажми оширилди. Қўшимча равишда уларнинг пенсиясига 22 миллион рублдан ошиқ маблағ сарфланди. 1974 йилда Хоразм вилоятида колхозчиларга пенсия ва нафақалар тўлаш учун 85 миллион рубл сарфланди. 1970 йилдагига қараганда 63 миллион рубль кўпроқ эди. Бундан ташқари, 17 минг нафар кўп болали оналарга нафақалар тўланди¹⁰.

1973 йил ноябри ва 1974 йил сентябрида “Ногиронлар ва боқувчисини йўқотган оилаларга бериладиган пенсиялар размерларини ошириш тўғрисида”, шунингдек, “Кам таъминланган оилалар болаларига нафақалар бериш тўғрисида” қарорлар қабул қилинди. Бу қарорларга мувофиқ фақат Хоразм вилоятида ногиронларга ва

⁸ Ахмаджонов О. Изменения в материальной и культурной жизни трудящихся села Узбекистана в 70-е годы. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Андижан, 1994. – С.35.

⁹ Ўша жойда. С.35.

¹⁰ Ахмаджонов О. Изменения в материальной и культурной жизни трудящихся села Узбекистана в 70-е годы. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Андижан, 1994. – С.36.

боқувчисини йўқотган оилаларга 8558 тасига пенсия размерлари оширилди, шунингдек 31 минг нафар кам таъминланган оилалар болаларига нафақалар берилди бошлади¹¹.

Бунинг натижасида 1974 йилда колхозчилар пенсия таъминотида ўзгаришлар рўй берди. Бир йил мобайнида пенсионер колхозчиларнинг 500 нафарига пенсиялар қайтадан ҳисоб-китоб қилинди. Натижада колхозчилар пенсиясининг ўртача ҳажми 27 рублни ташкил этди, бу кўрсаткич 1973 йилда 14 рублни ташкил қилган эди¹².

Лекин пенсия билан таъминлаш борасидаги ишларда жиддий камчиликлар ҳам мавжуд эди, улардан бири колхозчиларни пенсия билан таъминлашда расмийлаштириш ишларини кечиктириш, уларга вақтида эътибор бермаслик каби муаммолар бор эди. Колхозларда пенсияга чиқувчи кишилар ўз вақтида аниқланмаган ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш чўзиб юборилган. Масалан, Чуст районидаги В.И.Ленин номи колхозда 1896 йилда туғилган И.Деҳқоновга пенсия 1975 йил 20 августда расмийлаштирилган, яъни 79 ёшида пенсия расмийлаштирилган эди, аслида эса киши 1965 йилнинг январидида чиқиши мумкин эди¹³.

Республикада ижтимоий истеъмол фонди ҳисобидан бериладиган турли имтиёزلарнинг умуман совет мамлакатидидаги ўртача даражадан анча пастлиги ҳам аҳволнинг кескинлигини янада чуқурлаштирмаслиги мумкин эмас эди. Чунончи, агар 1970 йилда улар СССРда яшовчи ҳар бир киши учун 263 сўмни, 1983 йилда 441 сўмни, 1986 йилда 547 сўмни ташкил қилган бўлса, Ўзбекистонда 1970 йилда 191 сўмни, 1980 йилда 310 сўмни, 1986 йилда 365 сўмни ташкил этди¹⁴.

Аҳолининг қариши иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар учун ҳам, ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар учун ҳам ҳарактерли ижтимоий-демографик ҳодиса бўлиб, бу кекса ёшдаги фуқароларнинг мутлақ сонининг тез ўсиб боришини кўрсатмоқда. Ҳар қандай давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бу кекса фуқаролари учун нормал яшаш шароитларини таъминлашдир. Кексалардан ташқари ногиронлар ва боқувчисини йўқотиши сабабли тўлақонли турмуш тарзини олиб бора олмайдиған фуқароларга доимий давлат кўмаги зарур.

Ногиронлар ва кекса фуқароларга давлат томонидан пенсия шаклида тўланадиған пул маблағлари уларга ўзларини ҳаёт учун зарур бўлган товарлар ва хизматлар билан таъминлаш имкониятини беради: озиқ-овқат, кийим-кечак сотиб олиш, уй-жой учун ҳақ тўлаш, дори-дармон сотиб олиш ва бошқалар, бошқача қилиб айтганда уларнинг ҳаётининг у ёки бошқа даражасини белгилайди. СССРда пенсияларни шакллантириш ва ривожлантиришни ўрганиш, бир томондан, совет давлатининг миллионлаб кексалар ва ногирон фуқароларни моддий кўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини баҳолашга, бошқа томондан, Ватан тарихининг қизиқарли ва долзарб саҳифаларидан бири бўлган пенсионерлар ҳаётини таҳлил қилишга имкон беради. Бундан ташқари, ижтимоий таъминот соҳасидаги тадқиқотлар совет давридаги Ўзбекистон тарихининг тарихий ривожланиш йўналишини барча кўлами ва хилма-хиллиги билан тушунишга ёрдам беради.

¹¹ Ўзбекистон Миллий архиви, Р.96-фонд, 2-рўйхат, 2628-иш, 102-варақ.

¹² Ўзбекистон Миллий архиви, Р.96-фонд, 2-рўйхат, 2626-иш, 6-варақ.

¹³ Ўзбекистон Миллий архиви, Р.96-фонд, 2-рўйхат, 2600-иш, 24-варақ.

¹⁴ Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б.44.

Иккинчи босқич: XX асрнинг 30-йиллари бошидан 50-йилларнинг бошларига қадар кузатилган. Мамлакатда муҳим иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар юз берди: кўп тузилмали иқтисодиёт йўқ қилинди, иқтисодиёт беш йиллик режага мувофиқ ривожлана бошлади, янги совет мафкуриси шаклланди, янги зиёлилар шаклланди ва янги ҳукмрон қатлам шаклланди. Ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий таъминоти кўрсаткичлари биринчи беш йиллик режасига киритилди.

Учинчи босқич эса, 1950-йилларнинг ўрталаридан XX асрнинг 90-йиллари бошларига қадар деб кўрсатиш мумкин. Хусусан, 1950-йилларда Совет Иттифоқи ўзининг иқтисодий ривожланишининг янги босқичига ўтди. Уруш натижасида вайрон бўлган иқтисодиётни тиклашнинг асосий вазифалари бажарилди. Янги босқичнинг асосий вазифаси саноат ишлаб чиқаришининг жадал ўсишини таъминлаш эди. Айнан шу даврда Совет иттифоқининг асосий пенсия қонунчилиги - СССР Олий Кенгаши томонидан 1956 йил 14-июлда қабул қилинган “СССРнинг давлат пенсиялари тўғрисида”ги қонуни ва 1964 йил 15 июлда “Колхоз аъзоларига пенсия ва нафақалар тўғрисида” СССР қонунлари пайдо бўлди, улар совет давлати қулаганича ўз кучини сақлаб қолди.

Мамлакатдаги вазиятдаги ҳар қандай ўзгаришлар (масалан, энг кам иш ҳақининг ошиши.) ушбу қонунларнинг янги нашрларида ўз аксини топди. Ушбу қонунлар барча мавжуд пенсия қонунчилигини тартибга солиб берди, пенсия олувчилар доирасини кенгайтди ва мавжуд пенсия тизимини қайта тузишни талаб қилди. Шундай қилиб, бу давр совет пенсия тизими шаклланишининг яқунлаш даври ҳисобланади. 1950-йилларнинг ўрталаридан 1980-йилларнинг охирига қадар пенсия қонунчилигида катта ўзгаришлар рўй берганига ва пенсия тизими бир неча бор қайта ўзгартирилганига қарамасдан кўпгина асосий тамойиллар (давлат ижтимоий суғуртасининг устуворлиги, фуқароларнинг асосий тоифаларига бўлган муносабат: зарарли ва оғир меҳнат шароитида ишлайдиган ишчилар ва хизматчилар, Улуғ Ватан уруши ногиронлари) ўзгаришсиз қолди.

Совет фуқароларини пенсия билан таъминлаш Совет давлати фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлган. Ушбу йўналишнинг муҳимлиги СССРда ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта учун ажратилган ҳаражатлар тўғрисидаги маълумотлар билан тасдиқланади, уларнинг бир қисми айнан пенсия ҳаражатлари эди. 1956 йилда “СССРда давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонун кучга киргунга қадар, бундай ҳаражатлар таълим ва соғлиқни сақлаш эҳтиёжларини ривожлантириш учун ажратилган маблағлардан кейин учинчи, таълим ва фан учун ажратилган маблағлардан кейин иккинчи ўринда туради.

1956 йил 1 октябрдан “СССРда давлат пенсиялари тўғрисида”ги қонуннинг кучга кириши ва 1965 йил 1 январдан “Колхоз аъзоларига пенсия ва нафақалар тўғрисида”ги қонуни, шубҳасиз, совет пенсиялари ривожланишида янги босқични очди. Биринчи марта оддий ва сержант, сержант ва кичик офицерлар бўлган ҳарбийлар ва фуқароларни пенсия билан таъминлаш соҳасида давлатнинг иродаси ягона қонунчиликда тўпланди. Барча қўшимча тузилмалар ва ташкилотлар пенсия тайинлаш ва уларнинг максимал ва минимал миқдорларини белгилаш тартибидан чиқарилди: колхозлар, ногиронлар артеллари, шунингдек, Ижтимоий суғуртанинг Иттифоқи кенгаши. Давлат пенсияларнинг асосий кафилига айланди; корхоналар тугатилганда ҳар қандай тўловларни капиталлаштириш қутилмаган эди. Ижтимоий таъминотни давлатлаштиришнинг ижобий томони сифатида пенсияларни тўлаш

ваколатлари коллектив хўжаликлардан давлатга ўтказилишини таъкидлаш керак, бу эса пенсия олувчилар - деҳқонлар сонини сезиларли даражада кенгайтиришга ва уларга бериладиган пенсия миқдорини кўпайтиришга имкон берди. Аммо, колхозлар тўғрисидаги қонуннинг киритилиши иқтисодий жиҳатдан кучли хўжаликлардаги колхозчилар пул миқдори камайишига олиб келганини тан олиш керак. Бундан ташқари, ногиронлар артелларидан пенсия таъминоти ҳуқуқининг қайтариб олиниши бир қатор ҳолларда ногиронларнинг даромадлари ва турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатди.

1956 ва 1964 йиллардаги қонунлар пенсия олувчилар доирасини сезиларли даражада кенгайтиришга имкон берди. Биринчи марта тўлиқ иш стажини тўлдирмаган фуқаролар, колхозчилар пенсия олиш ҳуқуқини олдилар ва имтиёзли ёки эрта пенсия олувчилар сони ҳам сезиларли даражада ошди. Агар 1941 йилда СССРда пенсионерлар сони 4 миллион¹⁵ кишини ташкил этган бўлса, 1957 йилда, яъни 1956 йилги қонун кучга киргандан бир йил ўтгач, 18 миллион¹⁶ киши бўлган.

Айтиш мумкинки, совет ҳокимиятининг охириги йилларида пенсия таъминотида “умумий таъминот” тамойили устунлик қилди, чунки деярли барча фуқаролар кексалик, ногиронлик ёки бошқа ҳолатларда пенсияга умид қилишлари мумкин эди.

Совет пенсия таъминотининг энг муҳим ютуқларидан бири пенсиялар миқдорининг босқичма-босқич ва доимий равишда кўпайиб бориши ҳисобланади. Статистик йилномага кўра, 1981 йилдан 1991 йилгача 10 йил давомида ижтимоий таъминот органларида рўйхатдан ўтган фуқароларнинг ўртача пенсияси 57,2 рублдан 109,2 рублгача ўсди¹⁷. Шу билан бирга, қариллик пенсияларининг ўртача миқдори - 61,2 рублдан 115,3 рублгача; умумий касалликдан ногиронлиги учун - 51 рублдан 93,8 рублгача ва боқувчисини йўқотган тақдирда 38,4 рублдан 64,92 рублгача маблағни ташкил этган¹⁸.

Совет фуқароларининг пенсия таъминоти ҳукмрон коммунистик партия раҳбарларининг ўзгариши натижасида юзага келган давлат сиёсатидаги ўзгаришларни акс эттирди. 1956 ва 1964 йилларда асосий пенсия қонунларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Н.С. Хрушчевнинг номи билан боғлиқ эди. Бирок, Н.С.Хрушчев давлатнинг иқтисодий ривожланишининг реал имкониятлари билан ҳар доим ҳам қўллаб-қувватланмайдиган қонунчилик меъёрларини қабул қилди. Унга кўра, 1959 йилда КПСС 21 съездида эълон қилинган энг кам пенсияни икки босқичли равишда ошириш амалга оширилмади. Л.И.Брежневнинг КПСС Марказий Қўмитасининг Бош котиби сифатида фаолияти даврида колхозчиларнинг ишчилар ва хизматчилар билан ҳуқуқларини тенглаштириш босқичма-босқич амалга оширилди ва совет иттифоқи қулаши даврида барча учта тоифадаги пенсия олувчилар пенсия ҳуқуқларида амалда эди (бир хил пенсия ёши ва пенсияларни ҳисоблаш механизми). Бошқа томондан, персонал пенсинерлар учун пенсия ёшининг ўсиши кузатилди. Шунга қарамай, амалда шахсий пенсионерлар оддий ишчилар даражасига туширилади.

¹⁵ Народное хозяйство в СССР в 1990 году. Статистический ежегодник. — М: Финансы и статистика, 1991.- С.47.

¹⁶ Муравьева Н.А. Наши успехи // Социальное обеспечение. - 1958. — № 10. - С.6.

¹⁷ Народное хозяйство в СССР в 1990 году. Статистический ежегодник. — М: Финансы и статистика, 1991.- С.47.

¹⁸ Народное хозяйство в СССР в 1990 году. Статистический ежегодник. — М: Финансы и статистика, 1991.- С.47.

Бирок, барча пенсионерларнинг қонун олдида тенглиги эълон қилинганига қарамай, бу қонуности ҳужжатлари билан рад этилди. Қишлоқ ва шаҳар нафақа олувчиларининг ҳақиқий фарқи улар олган даромаддан ҳисобланган пенсия миқдори эди: колхозчиларнинг кам даромадлари ва қишлоқ жойларда яшаш учун пенсияларнинг 15 фоизга пасайиши уларга амалдаги ҳуқуқларни тенглаштиришга имкон бермади. Ишлаётган пенсионер хизматчилар учун мавжуд бўлган чекловлар уларнинг аҳволи ишчилар билан тенг бўлмаган ҳолатга келтирди. Бошқа томондан, персонал пенсионерлар қўшимча имтиёзларнинг барча турларига эга эдилар.

Давлат раҳбарлари Ю.В.Андропов ва К.У.Черненко даврида пенсия тизимида жиддий ўзгаришлар рўй бермади. М.С.Горбачёвнинг бошқарув даври пенсия тизими фаолияти натижаларини умумлаштириш, уни танқид қилиш ва СССР қулаганидан кейин киритилган янги қонунчиликни ишлаб чиқиш натижаларини сарҳисоб қилиш вақти бўлди. Шу билан бирга, биз ушбу даврда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун имтиёзлар сонининг кўпайиши ва 1991 йил 1 январдан бошлаб, бирон бир сабабга кўра иш стажига эга бўлмаган фуқароларга ижтимоий пенсия тайинланишини унутмаслигимиз керак.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Фарғона вилояти давлат архиви (бундан кейин – ФВДА), 1124-фонд, 15-рўйхат, 535-йиғма жилд, 49-варақ.
2. Народное хозяйство в СССР в 1990 году. Статистический ежегодник. — М: Финансы и статистика, 1991.-С.47.
3. Муравьева Н.А. Наши успехи // Социальное обеспечение. - 1958. — № 10. - С.6.
4. Ўзбекистон Миллий архиви, Р.96-фонд, 2-рўйхат, 2600-иш, 24-варақ.
5. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б.44
6. Ахмаджонов О. Изменения в материальной и культурной жизни трудящихся села Узбекистана в 70-е годы. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Андижан, 1994. – С.36.
7. Ўзбекистон тарихи. Том IV. Бош муҳаррир И.М.Мўминов. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.399-400
8. Усмонов А., & Мўйдинов Д. (2022). ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНING ИЖТИМОЙ-МОДДИЙ АҲВОЛИ. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 760-764.